

ISSN 2010-720X

# ILIM HÁM JÁMIYET




## FAN VA JAMIYAT

2023 (№2)

ISSN 2010-720X

2004-jıldní mart ayınan baslap shıǵa basıldı

**ÓZBEKSTAN RESPUBLIKASÍ JOQARÍ  
BILIMLENDIRIW, ILIM HÁM INNOVACIYALAR  
MINISTRIGI**



**ÁJINIYAZ ATÍNDAĞÍ NÓKIS MÁMLEKETLIK  
PEDAGOGIKALIQ INSTITUTÍ**

**ILIM hám JÁMIYET**

**Ilimiy-metodikalıq jurnal**

Seriya: Tábiyyi hám texnikalıq ilimler. Jámiyetlik hám ekonomikalıq ilimler  
Filologiya ilimleri

**Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat  
pedagogika instituti**

**FAN va JAMIYAT**

**Ilmiy-uslubiy jurnal**

Seriya: Tabiiy va texnika fanlari. Ijtimoiy va iqtisodiy fanlar. Filologiya fanlari

**Нукусский государственный педагогический  
институт имени Ажинияза**

**НАУКА и ОБЩЕСТВО**

**Научно-методический журнал**

Серия: Естественно-технические науки. Социальные и экономические  
науки. Филологические науки

**Nukus State Pedagogical Institute  
named after Ajiniyaz**

**SCIENCE and SOCIETY**

**Scientific-methodical journal**

Series: Natural-technical sciences. Social and economic sciences.  
Philological sciences

**№2**

**M A Z M U N Í**  
**TÁBIYIY HÁM TEXNIKALÍQ İLIMLER**

**Fizika. Matematika. Texnika. Informatika**

<b>Abdixalilov O.U.</b> Konsentratga aylangan olma xomashyosidan sharbat ishlab chiqarish jarayonining tuzilmaviy modeli .....	3
<b>Абдуллаев Р.З., Абдимуратов М., Узакбаева Ф.</b> Изометрии <i>log</i> -алгебр и их взаимосвязь с различными пространствами интегрируемых функций, построенных относительно $\sigma$ -конечных мер	5
<b>Xajibayev D.G., Yavidov B.Ya.</b> Kupratlar pardalarida polaron massasi: parda qalinligi samarasi .....	7
<b>Dawletmuratov B., Atashov D.</b> Islew procesinde jelingen detallardi temir ósiriw joli menen qayta tiklew .....	10
<b>Игамкулова З.М., Юлдашев У.Ю.</b> Токовые характеристики фотоэлектрического модуля солнечной энергии .....	12
<b>Kalekeeva T.T., Djumabekova Z.J.</b> Matricaniý Jordan normal formasi .....	13
<b>Камалов А.Б., Абдижалиев С.К., Абдуллаева Д.</b> Сверхвысокочастотная обработка карбидкремниевых диодов Шоттки Au-TiB <sub>x</sub> -n-SiC 6Н .....	15
<b>Кудайбергенов А.А.</b> Йирик магистрал каналларнинг сув ресурсларини тақсимлаш масаласининг математик моделларини ишлаб чиқиш .....	17
<b>Madjitov M.X.</b> Marganets bilan legirlangan kremniyda manfiy magnit qarshilik .....	19
<b>Prenov B., Oteniyazov E.</b> Abu Rayhan Beruniy hám házirgi zaman matematikası .....	21
<b>Йўлдошев Д.Ф., Эргашев Б.З.</b> Йўловчилик оқими мониторинги .....	22

**Biologiya. Zoologiya.**

<b>Ажиев А.Б., Уснатдинов Ж.Н., Юлдашова Л.М., Сабирова Г.Ж.</b> Мягкоплодник кристмалистный- <i>malacocarpus crithmifolius</i> (retz.) c.a.mey., во флоре Республики Каракалпакстан	24
<b>Djumayeva Z.O., Haydarov X.Q., Tursunboev X.E., Nozimova A.B.</b> O'simlik gulchanglarining sutkalik va mavsumiy tarqalish qonuniyatları Samarqand shahri misolida .....	27
<b>Жугунисов Т.И., Дүйсенгалиев Е.С.</b> Теоретические анализы фауны, биологии и экологические особенности семейства усатых жуков (Coleoptera, Cerambycidae) Южного Приаралья .....	29
<b>Karlibayeva M.A., Baltabaev M.T.</b> Salsola richteri (moq.) karel ex litv. hám Salsola paetzkiana litv.ler-тийкарғы fitomeliorant ósimlikler .....	32
<b>Утенова Г.У., Узакбергенов А.Ж.</b> Қарақалпоғистон агроландшафтларида тарқалган заарли кеңириувчиларнинг ( <i>Mus</i> , <i>Meriones</i> , <i>Spermophilus</i> ) биоэкологияси .....	33

**Geografiya. Ekologiya**

<b>Auezov Ó.T.</b> Xalıq migraciyasınıń qáliplesiwi hám onıń háreketi .....	35
<b>Аширов В.И.</b> Аҳоли ижтимоий-маиший турмуш шаротидаги ўзгаришлар .....	36
<b>Jumaev T.J., Qurbonov Sh.B., Xamdamov E.D.</b> Tog'li hududlarda turizm va rekreatsiya xo'jaligini rivojlantirishning ba'zi masalalari .....	38
<b>Нурланов А.С.</b> Тәбият ҳэм жәмийет қатнасықларында қоршаган орталықтағы экологиялық машқалалардың кескинлесіү жағдайлары .....	41
<b>Uzakbaev K.K.</b> Qaraqalpaqstan Respublikasın ekonomikalıq rayonlastırıwdıń geografiyalıq tiykarları ...	43

**JÁMIYETLIK HÁM EKONOMIKALÍQ İLIMLER**

**Tariyx. Huqiqtaniw. Ruwqiyliq**

<b>Abdullaev M.A.</b> Qoraqalpoqlar etnologiyasi tarixiga doir .....	46
<b>Abdullaev A., Ermanov A., Erimbetov E.</b> Milliy urf-odatlar va turizmni rivojlantirishda turistik marshrut ishlab chiqishda xizmatlar ko'rsatish talabi .....	48
<b>Abdullaev A., Jumageldiev N., Abdullaeva A., Erimbetov E.</b> O'zbekistonda turizmni rivojlantirishda etnografiya, urf odatlar va an'analarning tutgan o'rni .....	49
<b>Burxonova G.U.</b> Sohibqiron davrida o'zbek musiqa san'atining rivoj topishi va uning e'zozli sozandası	51
<b>Каландарова Ф.А.</b> Рус-Бухоро урушларидаги ҳарбий ҳаракатлар тарихининиг манбаларда ёритилиши .....	52
<b>Қанаатов Е.Е.</b> Устирттен табылған Айқал естелигине байланыслы базыбир мағлыўматлар .....	54
<b>Kochanov B.A., Yusupov K.A.</b> Qoraqalpog'iston burilish yilida (1989) .....	56
<b>Esanov M.</b> Qaraqalpaq milliy saz ásbaplarınıń rawajlanıw tariyxı .....	58
<b>Сарыбаев А.К.</b> Қарақалпақстан Республикасында экономикалық реформаларды тереңлестириү ҳэм экономикасының турақлы рајајланыўының тенденциялары .....	60
<b>Seyfullaev A.S.</b> Tariyxı shinlıqtı imitaciyalawda muzey eksponatlarınıń áhmiyeti .....	63

ning yettinchi majlisida quyidagi ma'lumotni keltiradi: naql qilishlariga ko'ra, Amir Temurning uchunchi o'g'li Mironshoh Mirzo Tabrizda paytida bir oz ichkilikka ruju qo'yadi [3]. Natijada noma'qul ishlarni qila boshlaydi. Mironshohning ichkilikka berilishiga sababchi bo'lgan uch nodimi haqidagi xabar Amir Temurga yetib boradi. G'azablangan Sohibqiron ularni o'llimga mahkum etadi. Bular Mavlono Muhammad Kohiy, ustod Qutb Noyi va sozanda Xoja Abdulqodir bo'lgan. Farmonni eshitgan Xoja Abdulqodir qochib, qalandar libosida yurtma-yurt kezadi. Amir Temur Iroqqa yurish qilganida Xoja Abdulqodir haqida xabar topadi va uni tutib kelishni buyuradi. Xoja Abdulqodir jahongir qoshida juda chirolyi qiroat bilan qur'on o'qidi. Undagi bu mahoratni ko'rgan Sohibqiron, uning gunohidan kechadi.

Sohibqiron keyinchalik Xoja Abdulqodirga iltifotlar ko'rsatib, nodim va mulozim sifatida saroyida olib qoladi.

### Adabiyyotlar

1. <https://aniq.uz>
2. O'zbekiston Respublikasi Milliy Ensiklopediyasi.
3. <https://uz.wikipedia.org>
4. Yunusov. R. Y. O'zbek musiqasi tarixi. Ma'ruzalar matni. -T.: 2008.
5. Axmedov B. Sohibqiron Temur (hayoti va ijtimoiy-siyosiy faoliyati). -T.: 1996.
6. Mo'minov I. Amir Temurning O'rta Osiyo tarixida tutgan o'mni va roli. -T.: «Fan», 1998.
7. Nizomiddin Sh. "Zafarnoma". -T.: 1996.

**REZYUME.** Maqolasi Amir Temur faoliyatini, xususan, shaxsiyatini san'atsiz tasavvur etib bo'lmashligi, Sohibqiron ilm-fan, adabiyot va san'at homiysi sifatida harbiy yurishlari chog'ida taniqli san'atkolar, me'morlar, shoirlar, musiqashunoslar, rassomlarni Samarqandga to'plashga harakat qilgani, ijod qilishlari uchun imkoniyatlar yaratib berganligi mazmunan yoritib berilgan.

**РЕЗЮМЕ.** В статье описывается деятельность Амира Темура, в частности, его личность, которую невозможно представить без искусства, он старался во время военных походов собрать для Самарканда выдающихся артистов, архитекторов, поэтов, музыкантов, художников, и создал возможности для их творчества.

**SUMMARY.** The article describes the activities of Amir Temur, in particular, his personality, which cannot be imagined without art, he tried during military campaigns to gather outstanding artists, architects, poets, musicologists, artists for Samarkand, and created opportunities for their creativity.

## РУС-БУХОРО УРУШЛАРИДАГИ ҲАРБИЙ ҲАРАКАТЛАР ТАРИХИНИИГ МАНБАЛАРДА ЁРИТИЛИШИ

Ф.А.Каландарова – ўқитувчи

Бухоро давлат университети

**Таянч сўзлар:** Ахмад Дониш, Мирзо Сомий, Мирзо Салимбек, Майдаолгун, Сассиккўл, Чўпонота.

**Ключевые слова:** Ахмад Дониш, Мирзо Соми, Мирзо Салимбек, Майдаолгун, Сассиккуль, Чупаната.

**Key words:** Ahmad Danish, Mirza Sami, Mirza Salimbek, Maydayulgyn, Sassiqlkul, Chuponata.

Россия империясининг Ўрта Осиё давлатларини босиб олиши тарихи маҳаллий ва рус муаллифларнинг қатор асарларида ёритилган. Шу ўринда маҳаллий муаллифларнинг асарлари алоҳида аҳамиятга эга. Жумладан, уларда бўлиб ўтган воқеа ва ҳодисалар, аксар рус манбаларидаги каби босқинчилик ёки ўзини оқлаш кайфиятида эмас, балки объектив тасвирланган. Бундай асарлар қаторига Ахмад Дониш ва Мирзо Сомийларнинг XIX аср охири XX аср бошларига оид “Мангитлар сулоласи тарихи” (Трактат Ахмада Дониша. История мангитской династии. Перевод, предисловие и примечания И.А.Наджафовой. Душанбе: Дониш, 1967), “Мангит сultonлари тарихи” (Мирза Аbd ал-Азим Сами. Тарихи салотини мангития (История мангитских государей) / Предисловие, перевод и примечания Л.М.Епифановой. – Москва: Наука, 1962) китобларини киритиши мумкин. Мазкур асарларни нафакат обьектив, ҳатто танқидий руҳда ёзилган десак хото қилмаган бўламиз. Чунки уларнинг ҳар иккаласида Бухоро амирлигининг Россия империясининг ярим мустамлакага айланишидан ташқари, амирликнинг сиёсий, ижтимоий-иктисодий, ҳарбий ҳолати ўзининг ёркин ифодасини топган. Бундан ташқари улар амирликнинг мустамлакага айланиш сабабларини хам бирма-бир санаб, давлат раҳбари сифатида амир йўл қўйган камчиликлар ҳақида ўз фикрларини билдиришган.

Ахмад Дониш ўз асарида Жizzakhning босиб олиниши, шунингдек, Самарқанднинг эгалланиши ҳақида ёзар экан, асосан воқеаларни умумий ёритиб, асосан уларнинг сабаб ва оқибатларига тўхталади. Ўз

Bizgacha yetib kelgan ma'lumotlarga ko'ra, Xoja Abdulqodirning “Peshravi dor” nomli musiqiy asari uni qatl qilish haqidagi farmonidan oldin yaratilgan. Bu kuyni eshitgan Sohibqiron bastakorning mahoratiga tan berib, uni jazodan ozod etgan. Bu rivoyat qay darajada haqiqatga yaqin, bir narsa deyish qiyin. Ammo Amir Temurning musiqa san'atini his qila bilishi, buyuk iste'dodlarni qadrlashi, mahoratini tan olishi haqiqat bo'lib, uning yuksak ma'naviyatli inson ekanligidan dalolat beradi.

Xoji Abdulqodir vafotidan so'ng ham u yaratgan san'at asarlari keyingi avlod, aniqrog'i, Abdurahmon Jomiyning “Risolai musiqiy”, Alisher Navoiyning musiqaga oid mulohazalar, Darvesh Ali Changiyning “Risolai musiqi”, Zahiriddin Muhammad Boburning “Musiqa ilmi” kabi asarlarida davom etdi. Ayni mazkur davrlarda yaratilgan maqomlar tizimi “Shashmaqom”ning shakllanishida ham Xoja Abdulqodir ijodining ta'siri borligi shubhasizdir.

даврида амир Музаффар (1860-1885) саройида миззолик қилиб, рус-бухоро урушларида “воқеанигор” (воқеаларнинг кузатувчиси) бўлган Мирзо Сомий эса Ахмад Донишдан фарқли равишда, бўлиб ўтган воқеаларнинг аниқлиги ва изчил кетма-кетлигига аҳамият берган.

Мирзо Сомий асарда рус-бухоро кўшинларининг жанг харакатларини батафсил ёзишга харакат қилган. Жумладан, ўзаро тўқнашувгача бўлган амирлик ва империя ўртасидаги муносабатлардан тортиб, то амирлик шаҳарларининг бирин-кетин босиб олиниб, давлатнинг ярим мустамлакага айланишига қадар бўлган воқеалар асарда ёритилган.

У дастлаб Тошкентнинг босиб олиниши, бу вактда амирнинг Тошкентни химояси учун эмас балки, вазиятдан фойдаланган холда Кўқон хонлигини босиб олганини танқид қилиб ёзди. Чунки амир Музаффар тошкентликлар қанча сўрашмасин, ёрдам кучларини юбормайди. Бунинг ўрнига Хўжанддан Кўқонга қараб йўл олади. Буни эшигтан ва Тошкент химоясида иштироқ этаётган кўқонлик аскарлар шаҳар химоясини ташлаб ўз уйлари томон йўл олишганини, шу сабабли русларнинг шаҳарни босиб олиши осонлашганини айтади.

Сомий рус кўшинлари ва амирлик аскарларининг биринчи тўқнашуви ҳақида ёзар экан, бунга сабаб қилиб бир нечта омилларни кўрсатади. Биринчиси, Бухорога юборилган рус элчиларининг ушлаб олиниб, генерал-губернатор фон Кауфманнинг уларни кўйиб юборишни сўраб йўллаган мактубига рад жавобининг берилганидир. Ammo Сомий амир Петербургга юборган

Нажмиддин хўжанинг Казалинскда тўхтатилгани ва бунга жавобан Черняев томонидан юборилган рус элчиларининг кўлга олингани ҳакида айтиб ўтмаган. Рус элчилари гурухи 1865 йилнинг октябрь ойида кўлга олинган ва унинг таркибида астроном К.В.Струве, А.И.Глуховский, шунингдек, тоғ инженери А.С.Татаринов бўлишган.

Бундан ташқари руслар Тошкентни эгаллашгач, амир Тошкентга элчи юбориб, Черняевдан рус ҳарбий кучларини шаҳардан зудлик билан олиб чиқиб кетишини талаб қилган. Бу эса подшо хукуматини хавотирга солган. Шу сабабли Черняев ўзига қарашли худудлардаги Бухоро савдогарларининг барчасини қамоқقا олишни ва молларини мусодара килишни буюрган [10:214-217].

Йиккинчиси эса Бухоро мадрасаларида тахсил олаётган муллаларнинг “жиход”ни талаб қилиб кўтарган кўзголонидир. Сомий бу воқеага батафсил тўхталиб ўтади. Жумладан, Бухоро раиси Эшон Бақохжа садр муқаддас урушга барчани чорлаган ва талабаларнинг аксарияти унга эргашишган. Қўқонлик уламо мулло Акромхўжа эса муқаддас уруш учун фатво ёзган ва кўплаб муллолар, муқаддас уруш тарафдорлари “Ал-жиҳод” шиори остида Регистонда (Регистон - Бухоро Арки ёнидаги катта майдон) йигилган. Ҳарбий тўкнашувлар арафасида бўлиб ўтган бу кўзголоннинг кучи ва кўламини, унинг амир Музаффарни фаол ҳарбий ҳаракатларни бошлишга мажбур қилганидан англаб олиш мумкин. Шу ўринда Сомий қизиқ маълумотни келтиради. Амир бу воқеалардан сўнг Иброҳим парвоначидан маслаҳат сўрагани, парвоначи эса сулҳ тузиш ва келишувчилик сиёсати йўлини тутишни маслаҳат берган. Шундай бўлсада амир кўзголонни бостира олмади ва ўз хоҳишига қарши русларга қарши уруш эълон қилишга мажбур бўлганини ёзади.

Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, амир Музаффарнинг руслар билан келишиш ёки жанг қилишни борасида катый бир фикри бўлмаган. Бухорода кўтарилиган кўзголон ва уни бостиришни имкони бўлмагани сабаб, у жанг ҳаракатларига киришишга мажбур бўлган. Сомий амирнинг бундай хатти-ҳаракатлари сабабини кўрсатмайди. Ундан фарқли равишда Аҳмад Дониш ўзининг “Мангитлар сулоласи тарихи” асарида бу борада Сомийнинг фикрларидан кескин фарқ қилувчи мулоҳазаларини билдиради. Унинг ёзишича, Тошкент рус давлатига қўшилишидан аввал, амир Кўқонга юриш қилмоқчи бўлган бир пайтда ўз амирларини кенгашга чакиради. Кенгаш тугагач, вазирларнинг биридан кенгашда нималар муҳокама қилинганини сўрайди. Бунга жавобан вазир, ҳукмдорга Тошкентга юриш қилиш кераклиги тўғрисидаги таклиф берилгани, аммо ҳукмдор бунга рози бўлмаган ва “... Тошкентда рус аскарлари ғалаба қозониши, уларга қарши юриш мен учун уятли ва шармандали ҳолдир. Агар мен эгарга ўтирам, тўғри Москвагача бораман.”- деб жавоб берган. Бундан ташқари амир жанг ҳаракатлари кетаётган бир пайтда руслар хазинаси кўлга олингач, у навкарлар кўлига тушиб қолмаслиги, жангда русларни кўп ҳалок қилмаслик, балки тириклиайн асир олиш кераклигини ўз ёрдамчиси оркали ҳар замон артиллерия бошлиғи Салимбек ва кўшин бошлиғи Шерали иноққа етказиб турган. Аҳмад Дониш амир Музаффарни дунёқарашининг торлигига айблайди ва инсонлар кўрмаган нарсалари ҳакида нимадир эшитсалар уни ўз кўрган нарсаларига таққослай бошлайдилар деб айтади [9:17].

Сомий шундан сўнг Майдаюлғун жангни ҳакида ёzádi. У ёзишича генерал Кауфманни (Сомий бу ерда шахсларнинг исмларини нотўғри келтирган. Чунки бу вактда ҳарбий ҳаракатлар генерал Романовский томонидан олиб борилган. Черняев эса 1964-1966 йил

февралига қадар рус кўшинларига бошчилик қилган. Кауфман эса 1867 йил, Туркистонда Генерал-губернаторлик тузилганидан сўнг унинг биринчи генерал - губернатори бўлган) Черняев бошчилигидаги рус кўшинларини разведка учун юборади, улар Чиноздан чиқишиш, Бухоро кўшинлари билан тўкнашади. Тўкнашув натижасида бухоролик кўшинлар чекинишиади.

Сомий асарда рус ва бухоро кўшинларининг Сирдарё бўйида бўлиб ўтган жангни Майдаюлғун жангни деб номлайди. Аммо рус муаллифларининг барчаси мазкур жангга “Эржар жанг” (Эржар жанг - 1866 йил 8 майда рус ва бухоролик кўшинларнинг биринчи тўкнашуви бўлиб ўтган жой) деб ном беришган. Аҳмад Дониш эса бу жангни Сирдарё бўйидаги “Сассиккўл жанг” деб номлайди. Йибрат ўзининг “Фаргона тарихи” китобида бу тўкнашувни Сомий каби Майдаюлғун жангни деб ёзган бўлса [4:309], Мирзо Салимбек эса бу жангни Аҳмад Дониш каби “Сассиккўл жанг” деб тилга олади [8:302].

Сирдарё бўйидаги жангдан сўнг Сомий Жиззах учун бўлиб ўтган жангни баён этади. Мазкур жанг тафсилотлари ўзининг батафсиллиги билан ажralиб туради. Жумладан, Сомий жанг бошланмасдан олдин губернатор Черняевни икки минг солдат билан Жиззахга юборганини ёzádi.

Жиззахга қилинган биринчи юриш 1866 йил 28 январда 14 рота пиёда, 600 казак ва 16 та қурол-аслаҳа билан Черняев томонидан амалга оширилган бўлиб, у мағлубият билан тугаган. Шундан сўнг 27 марта Черняев Петербургга чақирилган ва Романовский унинг ўрнига Туркистонга юборилган. Романовский Жиззахга иккинчи юришни амалга оширган. Сомий бу ерда Жиззахга қилинган иккинчи юриш ҳакида гапирсада, Романовскийни эмас, биринчи юришни амалга оширган Черняевни тилга олади [5:160].

Черняев эса бир фарсах узоқлиқдаги Нансангин мавзеида жойлашиб амирга рус элчисини озод қилишни сўраб мактуб йўллаган. Сомий мактуб матинни асарда келтиради. Бундан ташқари Жиззахнинг химояси учун афғон амири Искандархон (Генерал Искандархон - Афғонистонда бўлиб ўтган таҳт учун курашлардан қочиб Бухорога келган афғон шаҳзодаси. У 286 нафар афғонларга бош бўлиб, бир муддат амир хизматида бўлган. Кейинчалик руслар билан шаҳар химояси борасидаги фикр ва мулоҳазалари ҳакида ёзган. Сомий Жиззахнинг босиб олинишига ёмон стратегиянинг танланишини сабаб қилиб кўрсатган. Чунки Искандархон шаҳар дарвозаларини лой уюмлар билан мустаҳкамлаб ўрамасликни, мағлубиятга учралган тақдирда шаҳардан чиқиб кетишининг имкони бўлмай қолишини таъкидлаб, олдиндан огоҳлантирган. Аммо унинг фикрини амирилар инобатга олишмаган.

Шунга карамай бир гурух ёлланма афғон аскарлари шаҳар ташқарисига чиқиб, рус кўшинлари куршовида жанг қилиб вафот этишган. Афғонларга генерал Искандархон раҳбарлик қилган [1:128].

Шундан сўнг Сомий Самарқанд воқеалари ҳакида ёzádi ва у ердаги сиёсий вазиятни батафсил баён этади.

Бу давр воқеалари ҳакида жуда кисқа тарзда Аҳмад Дониш хам ёзган. Унга кўра Самарқанд ҳокими Шерали иноқ муллоларни жазолашни буюрган. Чунки улар бўлаётган воқеаларнинг асл сабаби ва оқибатларини тушунмай ҳалқни бехудага кўзгатиша, аҳоли орасида тартибсизликларни келтириб чиқаришида айлаган [9:23].

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, мангитлар даври тарихшунослигига Самарқанднинг руслар томонидан

егалланиши борасида турли муаллифларда турлича фикрлар мавжуд.

Ахмад Донишнинг ёзишича Чўпонота жангидан олдин ўзбек аскарлари Самарқанднинг атрофи русларни ўраб олиб мағлуб килиш учун кулай, руслар бу ерларни яхши билишмайди деб ўйлашган. Руслар Зарафшон дарёсига яқинлашгач, Чўпонота тепалигидаги тўпларнинг икки-учтасидан ўқ отилган, аммо пороҳ ёнмай қолган. Руслар осонлик билан шахарни эгаллашган.

Муаллифнинг ёзишича Самарқанд босиб олинмасдан олдин рус саркардалари амирга мактуб ёзил, амирдан унда кўйилган шартларни қабул қилиб, шахзодаларнинг бирини шу шартлар асосида руслар олдига юборишини сўрашган. Шу билан бирга Жиззах атрофидан чекинишга, ўзаро тинчлик ва хурмат ўрнатилишига ваъда беришган. Аммо саркардалар буни хатто амирга етказишмаган [9:24].

Мирзо Салимбек эса амир ва рус аскарлари ўргасидаги жангда русларнинг кўли баланд келгач, генерал Черняев Самарқандни қамал қилганини, шунингдек, самарқандлик эронийлар эса русларга мактуб ёзил, улар томонда эканликларини билдиришган ва шаҳар дарвазаларини очиб уларни киргизишган. Шаҳар ичкарисидаги аскарлар қанчалик қаршилик кўрсатишмасин, бир-биридан айри ҳолда харакат қилгани сабабли мағлубиятга учрашганини ёзган [11:19].

Сомий Зирабулоқ жангни ҳакида ёзар экан, Каттақорғондан бир фарсах узокликдаги ушбу

манзилда газовот тарафдорлари, сон-саноқсиз аскарлар, олов отувчи тўплар, шунингдек, тўқсабо Усмон ва Хожи Румийлар ҳам ўз сарбозлари билан ушбу манзилда тўпланишганини ёзган. Сомий Зирабулоқ жангги тафсилотларининг айнан шу қисмида Гузорда Абдумалик тўра бошчилигига қўзголон кўтарилгани ҳакида ёзди. Зирабулоқ жангни тавсилотларидан тўхтаб, Абдумалик тўра, унинг атрофида бирлашган амирлар ва аскарларнинг асл мақсадини баён этиб, руслар Каттақорғон учун жанг олиб бораётган бир пайтда Самарқанднинг Абдумалик тўра тарафдорлари томонидан камал қилингани, аммо баъзи ёлғон хабарлар сабаб у ҳам чекинишга мажбур бўлганини барча тафсилотлари билан баён қиласди. Асарнинг айнан шу қисми Абдумалик тўра ва унинг рус босқинчиларига қарши олиб борган ҳарбий харакатлари, унинг тарафдорлари ва уларнинг асл мақсадлари ҳакида тасаввур ҳосил қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, рус-бухоро урушларидағи ҳарбий харакатлар тарихини ўрганишда маҳаллий манбаларни ўрни катта. Айниска, Ахмад Дониш, Мирзо Сомий ва Мирзо Салимбекларнинг тарихий асарлари ўша давр замондошларининг ижод намунаси сифатида алоҳида қийматга эга. Уларда баъзи исмлар ёки саналар билан боғлиқ ноаникликлар бўлсада (жуда кам микдорда), муаммони ўрганишда ва уни қиёсий таҳлил қилишда бирламчи манба бўлиб хизмат қиласди.

### Адабиётлар

1. Абаза К.К. Завоевание Туркестана. С. Петербургъ. 1902. 310-б.
2. Арминий Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи. -Тошкент: "Info Capital Group", 2019.520-б.
3. Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. -Ленинград: Издательство академии наук СССР.1927. 256-б.
4. Ибрат. Фаргона тарихи. -Тошкент: "Камалак", 1991. 250-б.
5. История Бухары с древнейших времен до наших дней. -Ташкент: "Фан", 1976. 383-б.
6. Макшеевъ А.И. Исторический обзоръ Туркестана и наступательного движения въ него русских. -С.-Петербург: Военная типография,1890. 370-б.
7. Мирза Абд ал-Азим Сами. Тарихи салотини мангития (История мангытских государств) / Предисловие, перевод и примечания Л.М.Епифановой. – Москва: «Наука», 1962. 179-б.
8. Мирзо Салимбек. Кашкули салимий. Тавориҳи муттақаддимин ва муттаҳирин. Форс-тожик тилидан таржима, кириш сўзи изоҳ ва кўрсаттичлар-тарих фанлари номзоди, доцент Йўлдошев Нарзуллоники."Бухоро" нашриёти. 420-б.
9. Трактат Ахмада Дониша. История мангитской династии. Перевод, предисловие и примечания И.А.Наджафовой. Душанбе: "Дониш", 1967. 130-б.
10. Халфин Н.А. Присоединение Средней Азии к России. -Москва: "Наука", 1965. 468-б.
11. e-libra.su. Салимбек Мирза. Тарих-и Салими [Источник по истории Бухарского эмирата] читать онлайн | Электронная библиотека. <https://e-libra.su/read/468357-tarih-i-salimi-istochnik-po-istorii-buharskogo-emirata.html>. 125-б.

**РЕЗЮМЕ.** Мазкур мақолада рус-бухоро урушларидағи ҳарбий харакатлар ва уларнинг асосан маҳаллий манбаларда ёритилиши ҳакида сўз юритилади. Шунингдек, мазкур манбаларининг муаммонинг ёритишдаги қиёсий таҳлили амалга оширилган.

**РЕЗЮМЕ.** В данной статье рассказывается о боевых действиях в русско-бухарской войне, а так же их освещении в основном в местных источниках. Также был проведен сравнительный анализ этих источников в свете проблемы.

**SUMMARY.** This article examines the military operations in the Russian-Bukhara wars and their coverage in local sources. Also, in the article, a comparative analysis of these sources has been carried out in explaining the problem.

## ҮСТИРТТЕН ТАБЫЛҒАН АЙҚАЛ ЕСТЕЛИГИНИ БАЙЛАНЫСЛЫ БАЗЫБИР МАҒЛЫЎМАТЛАР

**Е.Е.Қанаатов – докторант**

Әжинияз атындағы Нәкис мәмлекеттік педагогикалық институты

**Таянч сўзлар:** Айқал, Балбал, Устюорт, Байте, тош хайкаллар, кўчманчилар, сак-массагетлар

**Ключевые слова:** Айқал, Балбал, Устюорт, Байте, каменные изваяния, кочевники, сак-массагеты.

**Key words:** Aykal, Balbal, Ustyurt, Bayte, stone sculptures, nomads, Sak-massagets

Үстирт платосы тарийхий естеликлерге оғада бай. Көшпели халықлар мәденияты менен байланыслы болған талай тарийхий естеликлер, эсиресе, платоның Өзбекстан (Қарақалпақстан) аймағындағы бөлімінде көплем ушырасады.

Бүгинги күни елимизде туризм тарауының жедел пётрлер менен раўажланыўы нәтийжесинде сырт елден туристлер ағымы эдәўир дәрежеде артпакта. Ҳукиметтин бул салаға айрықша итибары менен жергилики туристлик потенциал да раўажланбақта. Эйне тарийхий естеликлердин атамалары, олар хаққындағы мағлұыматлар туристлер ушын қызық. Сан эсирлик жасы ҳэм тарийхы бар естеликлердин атамаларын, олардың тарийхын билиў ҳәр биримиздин ўзайыпамыз

болмағы лазыим. Себеби, қарақалпақ халқының қәдириятларының бири усындей өтмиштен жеткен мийраслар [1:7-132].

Биз жумысымыз барысында қарақалпақ тилинде тарийхий естеликлерге, тийкарыйнан зиярат орынларына байланыслы қолланылатуғын гейпара терминлерге түсиндирме берип барыўға ҳәрекет етпектемиз. Сондай естеликлердин бири адам келбетиниң тас мүсини болған «АЙҚАЛ»лар.

Бурынғы заманларда адам тулғасына үқсатып жасалған тас мүсинлер «айқал» деп аталған. Ҳәзирги ўақытта бул сөз Бухара қарақалпаклары сойлесимлериnde ҳәм кубла диалект ўәкиллериңиң тилинде қолланылады. Д.Насыров ҳәм О.Доспанов авторлығындағы